



Куръон ёдлашни хохлайман!

Баъзилар шундай савол бериб колишади: “Куръон ёд олишни хохлайман, лекин шароит ва бошка холатлар туфайли бу ишда дангасалик киламан, менга кандай маслахат берасиз?”

Билингки, Куръонни енгиллик ва кенгчиликда деярли ёд олиб бўлмади. Кимнинг шароити яхши ва тўқис бўлса, унинг Куръонга мурожаати кийинлашади. Эсланг, Жаброил алайхиссалом Расулulloх соллаллоху алайхи васалламни уч бора каттик кисиб, сўнгра кўйиб юборганлар ва шундан сўнг Набий алайхиссалом Куръонни ўқишни бошлаганлар. Куръон ёдламокчи бўлган киши хам ўзини махкам тутиб, кийинчиликларга дош бериши керак.

Расулulloх соллalloху алайхи васаллам юкоридаги холатдан каттик кўркиб кетдилар. Ана шу кўркувдан сўнг Аллох таоло у зотга: “Эй Мухаммад, сендан кўркув кетгунга кадар ухлаб дам ол”, демади, балки:

□□□□□ □□ □□□□□□ □□□□ □□

“Эй бурканиб ётган! Тур ва огохлантир!” (*Муддассир сураси, 1–2-оятлар.*)

□□□□□ □□ □□□□□□ □□□□ □□

“Эй ўраниб ётувчи! Кечанинг озгинасидан бошқасини (ибодатда) **тик туриб ўтказ”** (*Муззаммил сураси, 1–2-оятлар*).

Аллох таолонинг Расулulloх соллalloху алайхи васалламга килган бу нидолари Куръонга бокий мухрланди.

Куръон ана шундай!

Уни ёд оламан, деган киши кийинчиликларни бўйнига олиши, шиддатларга дош бериши, Куръонни махкам тутиши керак. Ана шунда у кориларга бериладиган ажру савобларга эга бўлади.

Эй хабибим, сиз хам Куръонни маҳкам тутинг!

Аллох таоло сизнинг тиришқоклигингизни, такрор-такрор кироат қилишингизни, У билан ўртангиздаги аҳдга вафо қилишингизни кўриб туради. Хўш, жаннатда тож кийиш ва Аллохнинг хос аҳли бўлиш қаби мукофотларга эга бўлмоқчимисиз?!

Огоҳ бўлингки, Аллох ато қиладиган тожнинг кадри жуда баланд. У тожни фақат сабр қилганлар қияди. Сабрли кимсаларгина бу мукофотларни қўлга киритадилар.

Араб тилидан Абу Абдулқодир таржимаси